

ҚУРИЛИШ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 02

Андижан ш

«10» октябр 2022 й.

Низом асосида иш юритувчи келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб номланувчи Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Ипотека-банк АТИБ Андижон вилоят филиал номидан бошқарувчиси А. Абдукадиров бир томондан, иккинчи томондан низом асосида иш юритувчи келгусида «ПУДРАТЧИ» деб номланувчи “Бек ишблармон” МЧЖ номидан иш юритувчи раҳбари О. Рахимов куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тuzдилар.

I. ШАРТНОМА ПЕДМЕТИ.

1.1.«БУЮРТМАЧИ» нинг Шаҳрихон тумани Абдусамад МФЙ, Р. Ёдгоров кўча ҳудудида янги ташкил қилинаётган банк хизматлар маркази биносини қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун «ПУДРАТЧИ»га объектни топширади.

1.2.«ПУДРАТЧИ БХМ биноси объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини сифатли қилиб бажаришни ўз зиммасига қабул қилади.

II. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2.1. Мазкур шартномага асосан пудратчи бажарадиган ишлар қиймати жорий шартнома нарҳида барча туловлар, солиқлар ва ажратмалар қўшиб ҳисобланганда **100 000 000** (Бир юз миллион) сўм.

2.2. Шартнома қиймати қуйидаги ҳолатларда ўзгартирилиши мумкин:

-агарда бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ишлар қийматини ошишига сабаб бўлса;

-буюртмачи томонидан ишлар ҳажмига ўзгартиришлар киритилса;

-товар моддий бойликлар ва хизматлар нарҳи кескин ошган тақдирда икки томон қўшимча келишув битимига асосан;

-объект қурилиши бир йилдан ортиқ давом этса.

III. ТАМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1.Ишлар бажарилишидан аввал, «ПУДРАТЧИ» ва «БУЮРТМАЧИ» лойиха, пеш-ҳисоб (смета) баҳолари ҳамда бажариш муддатлари билан танишиб чиқади.

3.2. «ПУДРАТЧИ» қурилиш майдонида ёнгин-техника хавфсизлиги меъерлари қоидалари асосида бажарилишини таъминлайди.

3.3. «ПУДРАТЧИ» топширилган ишларни сифати ва келишилган муддатларда тўла бажарилишини ўз зиммасига олади. Бажарилган ишлар сифати ва яроқлик муддатини «Қурилиш меъерлари ва қоидалари»га асосан қафолатлайди.

3.4. «ПУДРАТЧИ» бажарилган жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоб учун «Бажарилган қурилиш ишлари» ҳисоб-варақ фактураси (Форма №3)ни «БУЮРТМАЧИ» га тақдим этади. Ишларни қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилиши зарур.

3.5. Бажарилаётган иш жараёнида келишмовчилик чиқса ёки уни давом эттириш имконияти бўлмай қолса «ПУДРАТЧИ» беш иш куни муддатида ёзма равишда «БУЮРТМАЧИ» ни огохлантириб қуйиши лозим.

3.6. «БУЮРТМАЧИ» бажарилиши лозим бўлган жорий-таъмирлаш ишлари бўйича лойиха-смета ҳужжатларини «ПУДРАТЧИ»га топширади ва ишлар якуни бўйича келишиб олади.